Куч — адолатда

2015 йил
19 сентябрь,
шанба
№ 37 (550)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мамлакатимизда кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш, ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган кўплаб имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда. Амалга оширилаётган махсус давлат дастурларида ҳам нуронийлар манфаатлари устувор йўналиш сифатида белгиланмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурига асосан, нуроний отахон ва онахонларимизни соғломлаштириш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида юқори савияда хизмат кўрсатилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим. Айни мақсадда жойлардаги санаторий-соғломлаштириш муассасаларида капитал таъмирлаш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилиб, дам олувчилар учун шароит ва имкониятлар янада яхшиланганги бу фикримизни яққол тасдиқлайди.



НУРОНИЙЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ САВОБ ИШ

Бугунги кунда Давлат дастурига мувофиқ юртимизнинг барча ҳудудларида уруш ва меҳнат фахрийлари бепул тиббий кўрикдан ўтмоқда. Кексаларимизга санаторий ва соғломлаштириш масканларида соғлиқларини тиклаш учун имтиёзли йўлланмалар берилмоқда. Шу тариқа нуронийларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаётини мазмунли қилиш, кўнглини кўтариш йўлида кўплаб хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида халқимиз саломатлигини асраш, имконияти чекланган кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга катта аҳамият берилмоқда. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикасига жўнатилган Саломатлик поезди ана шундай эзгу ишлардан биридир.

Мазкур акцияни ташкил этишдан кўзланган мақсад экологик ноқулай ҳудудлар аҳолисини, шу жумладан, кексаларни тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари томонидан чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга манзилли ёрдам кўрсатиш, аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишдир.

Жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатимизнинг олис ва чекка ҳудудларига ташкил этилган шундай поездлар таркибидаги мутахассислар томонидан етти минг нафардан зиёд аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Айни чоғда, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу йўналишда изчиллик билан амалга ошириб келинаётган эзгу ишлар кўламини тубдан янги босқичга кўтарди. Хусусан, ушбу ҳужжатга асосан, кексаларни ижтимоий ҳимоялаш кўлами янада кенгайтирилиб, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари йилига бир маротаба санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш имкониятига эга бўлди.

Юртимизда кексаларни эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини қайд этиш мақсадга мувофиқ. Турли байрамлар муносабати билан давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳомийлар билан ҳамкорликда уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. "Камолот" ЁИҲнинг Тошкент шаҳар филиали томонидан ташкил этилган "Нуронийлар эъзозимизда" патронаж ёшлар ҳаракати аъзолари Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиб, уларга ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатиш, турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқимизга мансуб меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик рамзи эканини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 24 сентябрь пайшанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2015 йил 24 сентябрь мамлакатимизда дам олиш куни деб белгилансин ва байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 18 сентябрь

Yangi qonun mohiyati

Мустаҳкам ҳуқуқий кафолат

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари изчил ва босқичма-босқич такомиллаштириб келинмоқда. Шу йил 21 августдан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун бу борада навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Бу ҳақда сўз борганда, юртимизда даставвал бозор иқтисодиётининг асосларига доир қонунчилик базаси шакллантирилган бўлса, кейинги даврда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш борасида муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланган қонун ҳужжатлари қабул қилинганини таъкидлаш лозим. Айниқса, кейинги йилларда асосий эътибор ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида қонунчиликни давр талаби асосида янада такомиллаштиришга қаратилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Гулистонда ўтказилган "2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" мавзусидаги конференция-семинарда Сирдарё вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, назорат қилувчи ва суд органлари вакиллари, тадбиркор ҳамда фермерлар иштирок этди.

Тадбиркорлик давлат ҳимоясида

Президентимизнинг шу йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш механизмлари муҳокама этилган тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Иқтисодиётимизнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда.

Сирдарёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир. 2010 йилда вилоятда 2 минг 500 тадбиркорлик субъекти фаолият юритган бўлса, айни пайтда улар сони 7 мингдан ошди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳудудий маҳсулотдаги улуши 67,7 фоизга етди. Вилоятдаги иш ўринларининг 80 фоизидан кўпроғи ушбу соҳага тўғри келмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Олий суд Пленуми мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий суд раиси Ш.Ғозиев бошқарган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Натижада, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш самарадорлиги ортиб, жамиятда адолат барқарорлиги таъминланмоқда.

Мажлисда муҳокама этилган "Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида" ва "Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ҳамда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасаларда ётиши муддатини узайтириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги Олий суд Пленуми қарори лойиҳалари ҳам инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Чунки қарорлар шу йўналишдаги қонунларни бир хилда ва тўғри қўллаш ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга қаратилган.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигининг мустаҳкам қонуний асоси

Юртимизда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланишга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш борасида тизимли равишда ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб келинмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, хусусан, 1996 йил 29 августдаги "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилинганини таъкидлаш лозим. Ушбу қонун фуқароларнинг соғлиқни сақлашга доир ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш, юртдошларимизнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқароларнинг соғлиғини сақлаш борасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган.

Шунингдек, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга доир Давлат дастури қабул қилинди. Бунда, айниқса, юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш бўйича санитария-эпидемиология тизимини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми учинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Баъзан жуда кўп зарар ва жуда кўп бўлмаган зарар турлари ҳақида эшитиб қоламиз. Илтимос, уларнинг фарқи ҳақида маълумот берсангиз.

Ихтиёр АСЛИДДИНОВ,
Хоразм вилояти,
Боғот тумани

— Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида атамаларнинг ҳуқуқий маъноси берилган бўлиб, унда таърифланишича, жуда кўп зарар — энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдордаги зарарни англатади.

Кўп бўлмаган зарар деганда эса, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар тушунилади.

Айтинг-чи, ариза тақдим этгач, қанча муддат ўтгандан сўнг никоҳ тузиш учун рухсат берилади?

Султон НИШОНОВ,
Жиззах вилояти,
Фориш тумани

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги Оила кодексининг 13-моддасига биноан никоҳ тузиш никоҳланувчилар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза бергандан сўнг бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади.

Шунингдек, узрли сабаблар бўлганда, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтганга қадар ҳам никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин. Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин.

Никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан бевосита судга ёки бўйсунишига кўра, юқори турувчи органга мурожаат қилиш мумкин.

Тақдир экан, турмуш ўртоғим билан қонуний тартибда ажралишдик. Шунинг учун фарзандим учун алимент ундириб беришини сўраб, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга мурожаат этмоқчиман. Айтинг-чи, судда бундай ишлар қанча муддатда кўриб чиқилади?

Асила МУРОДОВА,
Қашқадарё вилояти,
Касби тумани

— Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддасида фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва кўриш муддатлари белгилаб қўйилган.

Ушбу моддага биноан, фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ариза қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Мазкур модданинг иккинчи қисми талабига асосан, алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек, боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича қўзғатилган ишлар, башарти тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса, биринчи инстанция суди томонидан судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай, бошқа ҳолларда эса, йигирма кундан кечиктирмай кўрилиши лозим.

Амалдаги қонунчилигимизда топиб олинган нарсаларни яширганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланганми? Илтимос, шу ҳақида маълумот берсангиз.

Нодир АББОСОВ,
Самарқанд вилояти,
Пайариқ тумани

— Ҳа, белгиланган. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 62-моддасига кўра, топиб олинган ёки тасодифан қўлига тушиб қолган қиймати энг кам иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлган ўзганинг молмулкини яшириш — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Айтинг-чи, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси кимларга нисбатан қўлланилади?

Шоҳиста ИЛҲОМОВА,
Сурхондарё вилояти,
Ангор тумани

— Жиноят кодексининг 46-моддасига асосан, ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади. Ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Саволларга жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг судьяси Наргиза КАСИМОВА жавоб берди.

Yangi qonun mohiyati

Мустаҳкам ҳуқуқий кафолат

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Хусусан, Президентимизнинг 2015 йил 15 майда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони Ўзбекистонда хусусий мулк ҳимоясини янада кучайтириш ва уларни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган янги қонуннинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишида муҳим аҳамият касб этди. Ўз навбатида, мазкур қонун асосида амалдаги 33 та қонунга, 10 та кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани эътиборлидир.

Жумладан, ушбу қонун асосида амалдаги қонунчиликка суд ва прокуратура органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини янада ошириш, уларга берилган имтиёз ва преференцияларнинг рўёбга чиқишини назорат қилиш механизмини такомиллаштириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектларининг хўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашганлиги учун жавобгарликни кучайтириш бўйича зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд органларининг ролини ошириш мақсадида товарлар, транспорт воситалари ва бошқа буюмларни фақат суд қарори асосида мусодара қилиш механизми жорий қилинди. Яъни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳамда "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонунга тегишли ўзгартишлар киритилиб, улардан божхона органлари, солиқ органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ашёси бўлган мулкни мусодара қилиш ҳуқуқлари чиқариб ташланди.

Хўжалик процессуал кодексининг 116, 122 ва 125-моддаларига хўжалик судлари томонидан даъво аризаларини иш юритувга қабул қилиш ва ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш муддатларини ўн кундан беш кунгача, шунингдек, давлат ёки бошқа органнинг ҳужжатини ҳақиқий эмас, мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни эса, ноқонуний деб топиш бўйича ишларни кўриш муддатини 30 кундан 15 кунгача қисқартиришни кўзда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу, албатта, тадбиркорлик субъектлари орасидаги низоларни тезкорлик билан кўриб чиқиш ва қонуний ҳал этишда катта аҳамиятга эга.

Хусусий мулк ҳуқуқи кафолатлари мустаҳкамланиб бораётган бир шароитда юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав капиталидаги акцияларнинг, улушларнинг, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги, улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга оширишга доир, яъни юридик шахс иштирокчилари ўртасидаги коорпоратив ҳуқуқий муносабатлар ҳам кенгайганини қайд этиш даркор.

Қонунчилигимизда бу каби "корпоратив низолар" бўйича ишларни кўриш хўжалик судларига тааллуқлилиги белгиланган бўлса-да, айни пайтгача уларнинг ҳаммаси ҳам хўжалик судларига тааллуқли, деб қаралмас эди. Шу боис корпоратив низоларнинг бир қисми, хусусан, кооператив, хусусий тадбиркор, оилавий корхона, жамоа корхонаси фаолиятидан келиб чиқадиган низолар умумий юрисдикция судлари томонидан кўриларди.

Эндиликда бундай ҳолат бартараф этилиб, барча корпоратив низоларнинг хўжалик судларига тааллуқлилиги белгиланди.

Аҳамиятли томони шундаки, амалдаги қонун нормаларига кўра, тадбиркорлик субъектлари давлат ва бошқа органлар қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) бўйича ўз ихтиёрига кўра, бўйсунув тартибида юқори органга ёки бевосита судга шикоят аризаси киритиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Бу ўринда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилиб, Хўжалик процессуал кодексига давлат ва бошқа органларнинг шикоят киритилган қарорлари ижросини тўхтатиб туриш бўйича хўжалик судларининг ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Хўжалик процессуал кодексида кассация инстанцияси суди ишни биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори етарлича асосланмаган ҳолатда ҳам қуйи инстанцияга янгидан кўришга юбориш назарда тутилган эди. Бундай имконият кўп ҳолларда кассация инстанцияси суди томонидан аҳамиятли сабабларсиз ишларни янгидан кўришга юборилишига олиб келиб, ўз навбатида, низоларни тезкорлик билан ҳал қилишга салбий таъсир кўрсатар эди.

Шу маънода энди тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, улар иштирокидаги низоларни тезкорлик билан ҳал этиш, ортиқча вақт ва харажатларнинг олдини олиш мақсадида хўжалик ишларини янгидан кўришга юбориш учун асосларнинг рўйхати қисқартирилгани алоҳида аҳамият касб этади.

Агар амалиётга эътибор қаратадиган бўлсак, тадбиркорлик субъектларига қўлланган молиявий санкция, яъни молиявий жазо содир этилган ҳуқуқбузарликка мутаносиб бўлмаган ҳолатлар ҳам учраб турарди. Шу билан бирга, Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда умумий юрисдикция судларининг қуйи чегарадан паст жазо тайинлаш ҳуқуқи назарда тутилган бўлса-да, бироқ тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини кўзда тутадиган қонунларда мазкур тамойил ўз аксини топмаган, процессуал қонунчилик нормаларида эса, хўжалик судининг бундай ваколати назарда тутилмаган эди.

Шунга кўра, Солиқ кодексига қўшимча киритиш йўли билан, хўжалик судларига алоҳида ҳолатларда, яъни ҳуқуқбузарликнинг аҳамияти камлиги, енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги, солиқ тўловчининг моддий аҳволини ҳисобга олиб, жарима санкциялари суммасини қуйи чегарадан паст қилиб камайтириш ҳуқуқи берилди.

Маълумки, Солиқ кодексида кирим қилинмаган товарларни сақлаганлик учун кирим қилинмаган товар қиймати миқдоридаги жарима солиниши назарда тутилган. Амалиётни олиб қарайдиган бўлсак, хусусий тадбиркор ёки солиқ тўловчининг мансабдор шахсга нисбатан солиқ текшируви натижаларига кўра, жиноят ишлари кирим қилинмаган товарларни ҳуқуқбузарлик предмети сифатида давлат фойдасига ўтказиш билан билан қўзғатилади.

Бунда хўжалик судлари томонидан ҳам Солиқ кодексига мувофиқ кирим қилинмаган товар қиймати миқдоридаги молиявий санкциялар қўлланилади. Шу тариқа битта ҳуқуқбузарлик учун бир нечта жавобгарлик чораси қўлланилар эди. Янги қонун асосида Солиқ кодексига кирим қилинмаган товарларни қўзғатилган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёки жиноят иши доирасида давлат фойдасига ўтказиш ҳолатида хўжалик судлари томонидан кирим қилинмаган товар қиймати миқдоридаги молиявий санкция қўлланилмаслиги тўғрисидаги норма киритилди. Натижада юқоридаги номақбул ҳолат бартараф этилди.

Амалдаги қонунлар нормаларига асосан оилавий корхона турар жойда яшаш билан бирга ундан тадбиркорлик фаолияти бўйича фойдаланганда коммунал инфратузилма, яъни электр энергияси, газ, сув, канализация ва иссиқлик таъминоти хизматлари учун тўловлар аҳоли учун белгиланган тариф ва шартларда амалга оширилади.

Бироқ солиқларни тўлашда бундай ёндашув кўзда тутилмаган эди. Шу муносабат билан Солиқ кодексига оилавий тадбиркорликни, шунингдек, юридик шахс ташкил қилмаган якка тартибдаги тадбиркорларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида оилавий корхона учун мулк ва ер солиғини жисмоний шахслар учун кўзда тутилган миқдорда белгилаш бўйича ҳам тегишли қўшимчалар киритилди.

Маълумки, айни вақтга қадар Солиқ кодекси асосида ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилар эди. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, ҳуқуқий таъсир чораси - назорат функцияларига эга давлат органининг аризаси асосида суд қарори билан қўлланадиган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси ҳисобланади. Давлатнинг ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш билан боғлиқ функцияларини амалга оширишда давлат божи, одатда, ундирилмайди.

Шу туфайли тадбиркорлик субъектларини ҳимоялаш ва улар томонидан ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилишини бартараф қилиш мақсадида Солиқ кодекси аризачи ва жавобгарни ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилишни назарда тутадиган норма билан тўлдирилди.

Биз фикр юритаётган қонун билан амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг яна бир муҳим йўналиши, бу жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартишлардир. Бу ўзгартишларни асосан икки қисмга бўлиш мумкин. Яъни биринчи қисм — жиноий жавобгарликни янада либераллаштиришга қаратилган ўзгартишлар бўлса, иккинчи қисм — тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган ўзгартишлардан иборат.

Жумладан, Жиноят кодексининг 184-моддасига жиноятни биринчи марта содир этган шахсга нисбатан у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати қарорини олган кундан бошлаб ўттиз кун ичида солиқ ва бошқа тўловлар, жумладан, пеня ва бошқа молиявий санкциялар кўринишида давлатга етказилган зарарни қоплаган тақдирда, жиноят иши қўзғатилмаслиги ҳақидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, анча ва кўп миқдорда назорат қилинмайдиган даромад олганлик, бундан ташқари савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча ва кўп миқдорда бузганлик катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноятлар тоифасига киритилиши сабабли бундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш тўғрисида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча киритилиб, жиноий жавобгарлик чиқариб ташланди.

Бундан ташқари тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришни таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят кодекси "Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар" номли алоҳида боб билан тўлдирилди. Яъни хусусий мулк субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари янада мустаҳкамланиб, мансабдор шахслар учун жавобгарликни кўзда тутадиган 10 га яқин янги моддалар киритилди.

Яна бир муҳим масала. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш лицензия берувчи орган ёки суд томонидан амалга оширилади. Лицензия амал қилишини тўхтатишга олиб келган ҳолатлар бартараф қилинган ҳолда, ўн кунлик муддатда лицензиянинг амал қилишини тиклаш ҳақида қарор қабул қилиниши лозим эди. Энди эса, тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бу муддатни уч иш кунидан ошмаган муддатда камайтиришни таъминловчи тартиб белгиланди.

Бундан ташқари тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёз ва преференцияларни амалга ошириш устидан ягона назорат механизми жорий қилинди. Яъни "Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги тўғрисида"ги қонунга тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз ва преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлар давлат солиқ, божхона хизматларига, давлат статистика органларига, банкларга ва бошқаларга ёзма равишдаги мурожаатларсиз берилиши ҳақидаги норма киритилди.

Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференцияларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги ягона реестрда эълон қилинадиган ҳамда доимий равишда янгилаб бориладиган бўлди. Мазкур ягона реестрни шакллантириш ва доимий равишда янгилаб бориш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мухтасар айтганда, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, улар ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этишга қаратилган ислоҳотлар қатъият ва тадрижийлик асосида амалга ошириб келинаётганининг ўзига хос ёрқин тасдиғидир.

Шухрат ПОЛВОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Fuqarolik qonunchiligi

Мулк ҳуқуқи

Мамлакатимизда барча мулк шакллари қатори хусусий мулк ҳам дахлсиз эканлиги Конституция ва қонунларимизда кафолатланган. Жумладан, амалдаги Фуқаролик, Оила кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатларида мулк, умумий биргаликдаги мулк, умумий биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни мерос қилиб олиш, унга эгалик қилиш тартиби батафсил баён этилган.

Маълумки, оила эр-хотиннинг ихтиёрий розилиги асосида барпо этилади. Уларнинг никоҳи давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳолат қайд этилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Шу боис амалдаги Оила кодексининг 24-моддасида эр ва хотин биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуққа эга эканлиги белгилаб қўйилган. Эр ва хотиндан бири умумий мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битим тузганда, бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра, амалга оширилади. Аниқроқ қилиб айтганда, битим тузиш учун эр ёки хотиннинг нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олиниши шарт. Агар қонуннинг ушбу талабига зид иш тутилса, бундай битим суд тартибида ҳақиқий эмас, деб топилади.

Албатта, ҳаётда турли хил ҳодисалар юз бериши мумкин. Масалан, умумий биргаликдаги мулк иштирокчиларидан бирининг ўлими умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқдаги унинг улушини аниқлашни тақозо этади. Айтиш керакки, бунда, аввало амалдаги Фуқаролик кодексига мурожаат этиш лозим. Аниқроқ айтганда, ушбу кодекснинг 1114-моддасида умумий мол-мулкни тақсимлаш ёхуд ундан вафот этган иштирокчининг улушини ажратиш тартиби белгиланган. Унга кўра, мерос фақат вафот этган иштирокчининг улушига тўғри келадиган умумий мол-мулкка нисбатан очилади.

Шу ўринда фикримизни ҳаётий мисоллар ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, Каттақўрғон туманида яшовчи Эсон Маматов ва Бибинор Эшонқулова (исм-шарифлар ўзгартирилган) 1970 йилнинг 4 августида қонуний никоҳдан ўтиб, оила қуришган. Улар етти нафар фарзанд кўришган.

Оила бекаси Б.Эшонқулова оғир хасталикка чалиниб, 1985 йилнинг 29 август куни вафот этади. Эр-хотин биргаликда қурган уйга туман ҳокимининг 2014 йил 3 февралдаги қарори билан Э.Маматовнинг эгалик ҳуқуқи белгиланади.

Айтиш керакки, Эсон Маматов туман давлат нотариал идорасига мурожаат қилиб, 2014 йилнинг 18 февраль кундаги 1899 реестр рақамли шартномага асосан уйни ўғли Ботирга ҳадя қилади. Орадан бир ҳафта ўтиб, уйжой Ботир Маматов номига давлат рўйхатидан ўтказилади.

Шундан сўнг ҳадяни қабул қилиб олган Ботир ушбу ўн саккиз сотих ер участкасидаги уй-жойни тумандаги 2-сонли давлат нотариал идораси орқали қайнукаси С.Жумаевга сотиб юборади. 2014 йилнинг 10 апрелида уйжой С.Жумаев номига ўтказилади. Бир қарашда, ҳаммаси қонун талаби асосида амалга оширилгандек туюлади. Аммо кутилмаган низо келиб чиқади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Ботирнинг опаси Насиба икки нафар фарзанди билан уйга кириб олади. Бу ҳолдан ташвишланган Санжар Жумаев Насиба Маматовага нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарни оила аъзолари билан ўзига тегишли бўлган уй-жойдан мажбурий тартибда чиқаришни сўрайди.

Мансур Маматов опа-сингилларнинг ишончли вакили, шунингдек, ўзи ҳам даъвогар сифатида судга даъво аризаси беради. У даъво аризасида 2-сонли давлат нотариал идораси томонидан жавобгарлар Э.Маматов ва Б.Маматов ўртасида 2014 йил 18 февраль куни расмийлаштирилган уй-жой ҳадя шартномасини қисман ҳақиқий эмас, деб топиш ва меросдаги онасининг ҳиссасини аниқлаб, бу ҳиссани асл ҳолда ажратиб беришни сўрайди.

Qonun ijodkorligi

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигининг мустаҳкам қонуний асоси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Санитария-эпидемиология масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда алоҳида ўта хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келишининг олди олинди. Шу маънода, жорий йил 27 августда матбуотда эълон қилинган **"Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"**ги қонун соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур қонун "Соғлом бола йили" давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган. Қонуннинг мақсади — аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Янги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан 1992 йилдаги "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги қонун ўз кучини йўқотмоқда.

Қонун аввалги қонундан ўзининг мазмун-моҳияти, кўзлаган мақсадлари билан тубдан фарқ қилади. Энг асосий янгилик, бу унинг номида мужассамдир. Агар аввалги қонуннинг мазмун-моҳияти давлат томонидан олиб бориладиган санитария назоратига йўналтирилган бўлса, янги қонунни ишлаб чиқишда муҳим конституциявий норма — инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши мантиғидан келиб чиқилди. Бунда, асосий мақсад, назорат эмас, балки аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги, деган ғояга таянилди.

Қонуннинг янги жиҳатлари ҳақида фикр юритганда қуйидагиларга эътибор қаратиш алоҳида аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз. Аввалгамбор, қонунда қўлланилган "аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги", "давлат санитария назорати", "инсоннинг яшаш муҳити", "санитария-эпидемиологик вазият", "юқумли ва паразитар касалликлар" каби асосий тушунчаларга таъриф берилган.

Масалан, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги — аҳоли соғлиғининг ҳолати бўлиб, бунда инсонга яшаш муҳити омилларининг зарарли таъсири мавжуд бўлмайди ва унинг ҳаёт фаолияти учун қулай шарт-шароитлар таъминланади.

Қонуннинг 2-бобида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган. Бу соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб қўйилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш; давлат томонидан санитария-эпидемиология нормаларининг жорий этилиши; аҳолининг санитария маданияти даражасини ошириш; давлат санитария назоратини амалга ошириш; халқаро ҳамкорликни амалга ошириш аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ташкил этади.

Шунингдек, мазкур бобда Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари, давлат санитария назоратини амалга ошириш ваколатига эга бўлган органлар таркиби кўрсатиб ўтилди.

Қонунга кўра, Вазирлар Маҳкамаси мазкур соҳада ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш, давлат дастурларини тасдиқлаш ва амалга ошириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боришда ваколатли ҳисобланади.

Жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эса, ушбу соҳадаги давлат дастурларини амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этиш, ҳудудий дастурларни тасдиқлаш ва амалга ошириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тегишли ҳудудий бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, ҳудудларнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилашга ва тозалигини сақлашга, аҳолининг санитария маданияти даражасини оширишга доир чора-тадбирларни амалга оширишга ваколатлидир.

Давлат санитария назорати Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ҳамда шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Амалдаги қонун ҳужжатлари ва шаклланган амалиётга кўра, қонунда давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилган. Хусусан, давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар соҳага оид қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш; аниқланган хавфлар тўғрисида аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш; санитария-эпидемиологик вазият ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларни хабардор қилиши шарт.

Шу билан бирга, қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда иштирок этишининг қонуний асослари мустаҳкамланди. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари соҳага оид давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади, тегишли ҳудудда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши, ҳовли ва уй атрофи ҳудудларидаги қурилишлар ҳамда ушбу ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Қонуннинг 3-бобида юридик ва жисмоний шахсларнинг соҳага оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланди. Хусусан, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар фуқаролар, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши оқибатида, шунингдек, санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш пайтида ўзларининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда қопланиши; давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органларга ёки мансабдор шахсларга ёхуд судга белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Ўз навбатида, фуқароларнинг мажбуриятлари ҳам қонунда аниқ қайд этилган. Жумладан, фуқаролар қулай яшаш муҳити, соҳага оид ахборот олиш, таклифлар киритиш, қонун ҳужжатлари бузилишлари оқибатида ўз соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эгадир. Шу билан бир қаторда, улар мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари ҳамда бошқа фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва қулай яшаш муҳитига бўлган ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлувчи ҳаракатларга йўл қўймасликлари шарт.

Қонуннинг 5-бобида санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари белгиланди. Унга кўра, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг санитария муҳофазаси; юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларида ўтказиладиган чора-тадбирлар; профилактик эмлашлар ўтказиш; дезинфекция тадбирлари; мажбурий тиббий кўриклар; фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялашни ўз ичига олади. Қайд этиш жоизки, аввалги қонунда бундай мазмундаги боб мавжуд эмас эди.

Қонунга кўра, юқумли ва паразитар касалликларнинг пайдо бўлиш ёки тарқалиш хавфи юзага келган тақдирда Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишинча, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг, улар ўринбосарларининг тақдимномасига кўра, тегишли ҳудудларда ёки объектларда белгиланган тартибда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиши мумкин.

Аввалги қонунда белгиланмаган қоидадалардан яна бири, бу, юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган профилактик эмлашлардир. Қонунда бундай эмлашлар Профилактик эмлашларнинг миллий тақвимига мувофиқ, шунингдек, эпидемик кўрсаткичлар бўйича ўтказилиши белгиланди.

Қонундаги яна бир янгилик — фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш бўлиб, мазкур тадбир уларнинг гигиенага, соғлом турмуш тарзига, соғлиқни сақлашга доир билим, кўникма ҳамда малакаларни эгаллашига қаратилади ва касалликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қонун инсон ҳаёт фаолияти учун қулай шарт-шароитлар таъминланишига, касалликларнинг олдини олиш ишларини янада ривожлантиришга, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга, санитария нормалари ва қоидаларини қатъий бажаришга хизмат қилади.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи

Xabar

Олий суд Пленуми мажлиси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жиноят қонунчилиги либераллаштирилгани, ярашув институти жорий этилгани, инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари асосида амнистия актлари мунтазам равишда қўлланиб келинаётгани натижасида мамлакатимизда судланганлик ҳолати камайишига эришилмоқда. 2014 йилда судланганлар сони 2001 йилга қараганда 23 фоизга камайгани буни яққол тасдиқлайди.

Маълумки, судланганлик ҳолати — суд ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб, у тугалланган ёки олиб ташланган пайтгача давом этади. Судланганлик ҳолатининг тугалланмаганлиги ва олиб ташланмаганлиги айрим ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Хусусан, шахс судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган ҳолатда жиноят содир этса, бу жавобгарликни кучайтирувчи қонун нормаси билан квалификация қилинади.

"Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарор лойиҳасида қайд этилганидек, судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган пайтдан бошлаб шахс судланмаган ҳисобланади. Натижада, судланганлик билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатлар бекор бўлади. Бундан ташқари, лойиҳада суд ва дастлабки тергов амалиётида судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддатларини ҳисоблаш, унинг тўхтатилиши, судланганлик ҳолатини олиб ташлаш тартиби ва механизмига тааллуқли бир қатор мунозарали саволларга батафсил тушунтиришлар берилган.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимизнинг доимий эътиборидаги масалалардан. Бу борада "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида", "Психиатрия ёрдами тўғрисида", "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

"Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги қонунда соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя этиш энг асосий принциплардан бири ҳисобланади. Аҳолининг барча қатлами тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлиши, профилактик чора-тадбирларнинг устунлиги, соғлиғини йўқотган фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши қонунда мустаҳкамланган.

Фуқаролик процессуал кодексида шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш ёки унинг стационарда ётиш муддатини узайтириш ҳамда шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиш муддатини узайтириш ҳақидаги фуқаролик ишларини алоҳида иш юритиш тартибида кўриш белгиланган.

Мазкур норма талабидан келиб чиқиб, бу борада ягона суд амалиётини шакллантириш ҳамда қонунларнинг амалиётда тўғри қўлланишини таъминлаш мақсадида "Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ҳамда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасаларда ётиши муддатини узайтириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги Пленум қарори лойиҳасида судларга тегишли тушунтиришлар берилди.

Қарорда бундай тоифадаги ишлар тиббий муассаса жойлашган ердаги ёки шахснинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлар судловига тааллуқлилиги белгиланди. Аризаларни ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиш фуқаронинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатларидан бири эканлиги эътиборга олиниб, бу тоифадаги ишларни кўришда судлар стационарга ётқизилаётган шахснинг қонуний вакили, стационарга ётқизишнинг асослилиги тўғрисида хулоса берган комиссия таркибидаги шифокор-психиатр, прокурор, шунингдек, шахс ётган психиатрия муассасаси вакили иштирокида кўриб чиқилиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Абдуллаев иштирок этди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Maslahat

Ишончнома

у қандай тартибда берилади?

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 136-моддасида нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномалар ҳақида сўз юритилган. Унга кўра, қуйидагилар нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилади:

- госпиталларда, санаторийларда ва бошқа ҳарбий-даволаш муассасаларида даволанаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг шу муассасаларнинг бошлиқлари, уларнинг тиббий қисм бўйича ўринбосарлари, катта ва навбатчи шифокорлари томонидан тасдиқланган ишончномалари, автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

- ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, муассасалар ҳамда ҳарбий ўқув юртлари жойлашган, нотариал идоралар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа органлар бўлмаган пунктларда эса — ишчи ва хизматчиларнинг, улар оилаларининг ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг шу қисм, қўшилма, муассаса ва ўқув юртларининг командирлари (бошлиқлари) томонидан тасдиқланган ишончномалари, автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

- озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлган ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган ишончномалари, автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно.

(Давоми тўртинчи бетда)

Тадбиркорлик давлат ҳимоясида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Банк кредитларидан самарали фойдаланаётган тадбиркорлар истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлар томонидан 1 минг 471 та лойиҳа амалга оширилди. Шу ҳисобдан 15 минг 939 янги иш ўринлари яратилди.

Тадбиркорлар нафақат ички бозорни тўлдиришга, балки экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳам салмоқли улуш қўшмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят тадбиркорлари томонидан ўн турдаги 54,5 миллион сўмлик маҳсулот экспорти амалга оширилди.

Тадбирда Олий суд раиси Ш.Ғозиев, Сирдарё вилояти прокурори Я.Очилов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиздаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чекловларга барҳам бериш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган ишларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритди.

— Тадбиркорларга давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари, мамлакатимиз қонунлари асосида яратиб берилаётган қулай имкониятлар юртимизни обод, бозорларимизни тўкин, халқимиз турмушини фаровон қилишнинг ишончли йўли эканини бугун ўз ҳаётимизда кўриб турибмиз, — дейди Янгиер шаҳридаги "Нозигул Сардор Олтин" масъулияти чекланган жамияти раиси Гулчеҳра Жонжигитова. — Яратилаётган имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланиш учун тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларда ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиш кўникмасини шакллантириш зарурлиги бугунги анжуманда энг муҳим масалалардан бири бўлди. Бу биз, тадбиркорларни янада фаол, изланувчан бўлишга ундайди.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг янги нормаларини аҳолига, хусусан, тадбиркорларга кенг тушунтириш, назорат органлари фаолиятида профилактика тадбирлари устуворлигига эришиш, бизнес субъектларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш борасидаги вазифалар хусусида фикр алмашилди.

Тадбирда иштирокчиларни қизиқтирган саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

Конференция-семинарда Сирдарё вилояти ҳокими О.Ашурматов сўзга чиқди.

Тошкул БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

Дахлсизлиги

амалда тўлиқ таъминланмоқда

Бундан ташқари яна бир даъвогар Насиба Маматова ҳам судга даъво аризаси билан мурожаат этади.

Буёғини сўрасангиз, фарзандларнинг отаси Эсон Маматов ҳам судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Ботир Маматовдан бошқа олти нафар фарзандини меросдан маҳрум қилишни сўрайди.

Хўш, даъвогарларнинг даъвоси қонун талабига нечоғлик мос? Умумий биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни мерос қилиб олиш ва унга эгалик қилишда биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқи кимларга берилади?

Шу ўринда бу борадаги қонун талабларига тўхталадиган бўлсак, Фуқаролик кодексининг 1135-моддасида мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлиши қайд этилган. Мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига киради.

Энди юқорида баён этилган низога қайтадиган бўлсак, бу уй Э.Маматов ва Б.Эшонқулованинг биргаликдаги турмуши давомида қурилган. Уларнинг етти нафар фарзандлари бўлиб, барчаси оталари Э.Маматов билан бирга низоли уйнинг марҳума Б.Эшонқуловага тегишли қисмига қонунан меросхўр ҳисобланади. Кўриниб турибдики, Эсон Маматов ўғли Ботир билан ҳадя шартномасини расмийлаштириш пайтида қолган олти нафар фарзандининг розилигини олмаган. Оқибатда ўртада низо келиб чиққан.

Албатта, суд томонидан ушбу уй-жой низоси атрофлича ўрганиб чиқилди ва қонуний тўхтамга келинди. Яъни суд қарори билан даъвогар С.Жумаевнинг жавобгар Н.Маматовага нисбатан уй-жойдан чиқариш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилмади. Опасингил даъвогарларнинг ишончли вакили М.Маматовнинг жавобгарлар Э.Маматов, Б.Маматов ва тумандаги 2-сонли давлат нотариал идорасига нисбатан 2014 йил 18 февралдаги 1899-реестр рақамли уй-жой ҳадя шартномасини қисман ҳақиқий эмас деб топиш ва меросдаги ҳиссасини асл ҳолда ажратиб бериш ҳақидаги даъвоси ва меросхўр деб топиш ҳақидаги қўшимча даъволари қисман қаноатлантирилди. Шунингдек, даъвогар Н.Маматованинг уй-жой олди-сотди шартномасига асос бўлган ҳужжатларни қисман ҳақиқий эмас деб топиш ва ушбу шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги қарши даъвосини ҳам суд қаноатлантирди. Суд даъвогар Э.Маматовнинг олти нафар фарзандини меросдан маҳрум қилиш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантиришни рад этиб, ҳал қилув қарори чиқарди.

Бундан ташқари судда нотариал идора томонидан 2014 йил 8 апрель куни Ботир Маматов ва Санжар Жумаев ўртасида тузилган 4032-реестр рақамли уй-жой олди-сотди шартномаси ҳам ҳақиқий эмас деб топилди. Уй-жойнинг марҳума Б.Эшқуловага тегишли бўлган қисмига фарзандлари тенг миқдорда меросхўр эканлиги суд қарорида қайд этилди.

Гувоҳи бўлганингиздек, қонунларимиз умумий биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни мерос қилиб олишда мулк эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилди. Қисқаси, халқчил, адолатли, демократик тамойиллар асосига қурилган қонунларимиз мулк ҳуқуқи дахлсизлигини амалда тўлиқ таъминламоқда.

Шавкат ТАВБАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

2015-yil — Keksalarni e`zozlash yili

Нуронийларни эъзозлаш – энг улуғ, энг савоб иш

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кексаларнинг жасорати ва мардлиги, фронт ортидаги жонбозликлари, ибратли ҳаёт йўллари ҳақида ҳикоя қилувчи "Эъзоздасиз ҳамиша" деб номланган китоб чоп этилди.

Юртимиз маҳаллаларида кексаларни эъзозлаш, уларнинг ўгитларига амал қилиш яхши анъанага айлангани ўз самараларини намоён этмоқда. Биринчи навбатда, барча маҳаллаларимизда ўзаро меҳр-оқибат муҳити ҳукмрон экани шундан далолат беради. Кекса авлод вакиллари ўз фарзандлари, невара ва эвараларининг ҳаётдан мамнунлиги, келажагидан кўнгли тўқлигини кўриб хурсанд.

Бобо ва бувиларимиз тинч-осуда ҳаётимизга шукроналар айтиб, умргузаронлик қилишмоқда. Улар ёшларимизни бугунги дориломон кунларни, юртимиздаги тинчлик-тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, мусаффо осмон, жаннатмонанд Ватан, бағрикенг халқнинг қадрига етишга ҳамиша чорлаб яшашмоқда.

Жиззах туманидаги Қатортол қишлоғида яшовчи Абдимурод ота Султонов ана шундай миннатдор ва фаол нуронийлардан бири. Ҳанузгача спорт билан шуғулланишни канда қилмайдиган отахоннинг йигитларга хос чаққон ҳаракатларини кўриб, у кишининг саксон ёшга кирганига ишонгингиз келмайди.

— Бизнинг ёшлик йилларимизда жисмоний тарбияга эътибор жуда суст эди, спорт билан шуғулланиш учун шароит ҳам, рағбат ҳам йўқ эди, — дейди отахон. — Президентимизнинг спортни ривожлантиришга қаратаётган алоҳида эътибори олис ва чекка қишлоқ мактабларида ҳам жисмоний тарбия ва спорт учун замонавий шароитлар яратиш имконини берди. Ёшларимиз учун яратилган шароит ва имкониятларни кўриб ҳавасим келади. Бундай қулайлик ва имкониятлар одамнинг завқини келтиради, спорт билан шуғуллангинг келади.

Абдимурод Султонов ёшликдаги ҳаракатини, жисмоний бардамлик ва ғайратини ўрта ёшда ҳам, нуронийликда ҳам



йўқотмаслик учун спорт билан шуғулланишни канда қилмади. Нафақат ўзи, балки оиласи, маҳалладаги ёшу кекса, барчага "Соғлом ва бардам бўлишнинг сири — спорт билан шуғулланишда" деб уқтириб, уларга намуна бўлмоқда.

Отахон мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар, яратилаётган шароит ва имкониятларни фаол тарғиб қилиш борабарида ўзи ҳам турли мусобақаларда қатнашиб, кўпчиликка ўрнак кўрсатиб келаётир. 2000-2007 йилларда 800-1000 метрга югуриш бўйича фахрийлар ўртасида бир неча марта Ўзбекистон чемпиони бўлди. Шу йилларда хорижда ўтказилган анъанавий халқаро Тинчлик марафонида ўн саккиз марта қатнашди.

Бу оилада фарзандлар, набиралар, келинлар ҳам спорт билан мунтазам шуғулланади. Ўғли Алишер туманидаги 29-умумтаълим мактабида, Бахтиёр Жиззах давлат педагогика институти жисмоний тарбия факультетида, Ўткир ва Ғайрат Жиззах олимпия захиралари коллежида ёшларга жисмоний тарбия ва спортдан сабоқ бермоқда. Кенжаси Асқар Жиззах шаҳар бокс федерациясида ишлайди. Келини Хуршида "Саломатлик" спорт клуби раҳбари сифатида қишлоқ қизлари ўртасида сув спортини оммалаштиришдаги жонкуярлиги билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган.

Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек спортга ошно набиралар ҳам қатор мусобақалар, хусусан, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинларида юқори ўринларни эгаллаб, бобосининг орзуларини рўёбга чиқармоқда. Абдимурод отага ўхшаган минг-минглаб кексаларимиз эса, ўз сермазмун умри, соғлом турмуш тарзи, бой тажрибаси, яхши ният ва эзгу дуолари билан ҳаётимиз янада гўзал ва фаровон бўлишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Яқинда радиода эшитиб қолдим, хорижнинг қайси бир ахборот маркази узоқ умр кўрувчи инсонлар яшайдиган мамлакатлар рейтингини ўрганибди, — дейди Абдимурод ота. — Унга кўра, Ўзбекистон умумий аҳоли нуфузига нисбатан юз ёш ва ундан ошган инсонлар сони бўйича Буюк Британия ва Японияндан кейин учинчи ўринни эгаллабди. Бу жуда катта гап. Агар Ўзбекистонимиз мустақилликкa эришганига энди 24 йил бўлганини ҳисобга олсак, ҳали бу борада ҳаммадан ўтиб кетамиз. Дўхтирлар ҳам узоқ умр кўриш, соғлом ва бахтли ҳаёт кечириш, тинч-хотиржам яшашга боғлиқ эканини айтишади. Яратганга шукр, бугун юртимизда бунинг барчаси бор. Давлатимиз раҳбари спортни ривожлантиришга, айниқса, ёшларни спортга жалб этишга катта эътибор қаратмоқда. Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон, кўнглимиз хотиржам. Инсон учун энг катта бахт шу. Бахтли инсон узоқ умр кўради. Биз ҳаммадан ўтамиз, деганимда тўла асос бор. Юртбошимиз кексаларни эъзозлаб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб тургандан кейин Ўзбекистон узоқ умр кўрувчилар юрти бўлмасинми? Бўлади-да!

Ҳақиқатан ҳам, психологлар ўз турмушидан қониқиб, яқинларининг меҳр-муҳаббатини ҳис қилиб, эртанги кунга ишониб яшайдиган инсонлар узоқ умр кўришини таъкидлайди. Халқимиз орасида барқарор бўлган меҳр-оқибат муҳити, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, эркин ва фаровон ҳаёт боис одамларимизнинг ўртача умр кўриш кўрсаткичи муттасил ошиб бормоқда.

Буларнинг барчаси бежиз эмас. Зеро, истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган юксак инсонпарвар сиёсат самаралари туфайли юртимизда кекса авлод вакиллари, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронтида жасорат ва матонат кўрсатган, бугунги тинч-осойишта, фаровон ҳаётимиз йўлида фидокорона хизмат қилган юртдошларимиз том маънода қадр ва эъзоз топди.

Ҳа, нуроний отахону онахонларимизга ҳурмат-иззат кўрсатар эканмиз, бугунимиз ҳам, эртамиз ҳам ёруғ бўлади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, она юртимизнинг оғир юкини, унинг қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўътабар боболаримиз ва момоларимиз, ота-оналаримизни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш — дунёдаги энг улуғ, энг савоб ишдир.

Бобомурод РАЙИМОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

G`aroyib olam

Инсонни табиат билан боғлаб, завқ-шавқ берадиган восита бу — ҳайвонот боғи ёхуд табиий ўсимликлар, дарахтлар, гуллар турфа ранг ва шаклда товланиб ётувчи ботаника боғларидир. Айниқса, ҳайвонот боғи...

Биз билган ва билмаган дунё

ҲАЙРАТОМУЗ ҲАЙВОНОТ БОҒЛАРИ

Айтиш керакки, дунёда илк ҳайвонот боғлари Мисрда милоддан аввалги тахминан 1 500 йил олдин мавжуд бўлган. Ҳозирда дунёда 720 дан ортиқ ҳайвонот боғи фаолият юритади.

Аслида дунёнинг энг катта ҳайвонот боғларини турлича тавсифлаш мумкин, аммо улар эгаллаган майдон ва унда яшайдиган ҳайвонлар сони турли даражададир. Қуйида биз дунёнинг энг йирик ҳайвонот боғлари хусусида ҳикоя қиламиз.

Маълумки, Калифорниядаги Сан-Диего ҳайвонот боғининг ҳудуди 40 гектардан иборат бўлиб, 650 турдаги ҳайвонни ўз ичига олган. Бальбоа боғида жойлашган мазкур ҳайвонот боғида бугунги кунда 3700 дан ортиқ ҳайвонлар бор.

Майдони 46 гектар бўлган Лондон ҳайвонот боғи эса, дунёдаги энг қадимий илмий ҳайвонот боғларидан бири ҳисобланади. Мазкур боғ 1847 йилда ташкил қилинган, ҳозирги кунда унда 755 турдаги ҳайвон мавжуд.

Бронкс ҳайвонот боғи 107 гектар ҳудудни эгаллаган бўлиб, унда 650 турдаги ҳайвонлар яшайди. Нью-Йоркнинг Бронкс туманида, Бронкс дарёси бўйида жойлашган ушбу боғ ҳам энг қадимий ҳайвонот боғларидан саналади. Унда тахминан 4000 га яқин ҳайвонлар кун кечиради.

Жанубий Африка Миллий ҳайвонот боғининг майдони иккига ажратилганлиги билан томошабинларда қизиқиш уйғотган. Сабаби, ушбу боғ жойлашган ҳудудни Апис дарёси кесиб ўтгани учун боғнинг бир қисми текисликда, иккинчиси эса, тепаликда жойлашган. Ҳудуди 85 гектар бўлмиш мазкур ҳайвонот боғида 705 турдан ортиқ жониворлар макон топган.

Омахада жойлашган Генри Дурли ҳайвонот боғи эса, 1864 йилда ташкил қилинган. Боғ аввал Ривервью деган ном билан аталган. Ҳозирги кунда унинг ҳудуди 52 гектарни ташкил этиб, 962 турдаги ҳайвон яшайди.

Айтиш керакки, дунё бўйича саёҳатчиларни ўзига жалб этишда Пекин ҳайвонот боғи етакчилардан бири ҳисобланади. Унинг ҳудуди 89 гектар бўлиб, 950 турдаги ҳайвонлар кун кечиради. Мазкур ҳайвонот боғи 1906 йилда ташкил қилинган бўлиб, унга ҳар йили бир неча ўн миллионлаб томошабинлар ташриф буюришади.

Ҳайвонот боғлари ҳақида гап кетганда, машҳур Торонто ҳайвонот боғи албатта, тилга олинади. Бу бежизга эмас. Чунки катталиги ва ҳайвонларининг сони билан дунёда учинчи ўринда турувчи ушбу боғ 287 гектар майдонни забт этган. У 1974 йилда ташкил қилинган. Қизиқ томони шундаки, мазкур ҳайвонот боғи дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган ноёб ҳайвонларга қараб еттита бўлимга бўлинган. Ҳозирги кунда бу ерда 491 турдаги 5 000 дан ортиқ жониворлар кун кечирмоқда.

Иккинчи ўринда эса, Колумбус ҳайвонот ва аквариум боғини тилга олиш жоиз. Мазкур нотижорат ҳайвонот боғи бир неча марта АҚШнинг энг яхши ҳайвонот боғи номига сазовор бўлган. Бу ерга ҳар йили 2,5 миллионга яқин томошабин ташриф буюради. Унинг ҳудуди 234 гектар ва 793 турдаги жониворлар яшайди.

Дунёдаги энг машҳур ҳайвонот боғлари рўйхатида биринчи ўринда турувчи Берлин ҳайвонот боғи эса, 1844 йилда ташкил топган. У Германиядаги энг қадимий ҳайвонот боғи ҳисобланиб, 1500 дан ортиқ турдаги ҳайвонларни ўзининг 35 гектар ҳудудида жамлаган. Ҳайвонларнинг умумий сони 19 500 дан ортиқроқдир. Йилига 3 милиондан ортиқ сайёҳларга хизмат кўрсатадиган мазкур боғ дунёдаги энг катта ҳайвонот боғи саналади.

Хориж матбуоти материаллари асосида Бобур ЗОҲИДЖОНОВ тайёрлади

Maslahat

Ишончнома

у қандай тартибда берилади?

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Ушбу кодекснинг 137-моддасида эса, ишончноманинг бошқа шакллари ҳам айтиб ўтилган.

Яъни хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома ваколат берувчи ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот, у яшайдиган уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, ўзининг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд фуқаро даволанишда бўлган даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан тасдиқланиши мумкин.

Шунингдек, кодеснинг 138-моддасига асосан юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) босилади.

Давлат мулкига асосланган юридик шахс номидан пул ва бошқа мулкий бойликларни олиш ёки топшириш учун бериладиган ишончнома шу юридик шахснинг бош (катта) бухгалтери томонидан ҳам имзоланиши керак. Банкда операцияларни амалга оширишга ишончнома бериш тартиби ва унинг шакли қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Асқар УМУРЗАКОВ,
Олий суд Ҳарбий ҳайъати катта инспектори

Jinoyatga jazo muqarrar

Ҳушёрлик ва қоидага риоя этиш

йўлимиз бехатарлиги ва хавфсизлигимизни таъминлашнинг асосий омилидир

Мамлакатимизда йўлларда эркин ҳаракатланиш, ҳаракат иштирокчиларининг соғлиги ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, шундай ҳодисалар юз берган тақдирда амалий ёрдам кўрсатиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий, ташкилий-техникавий чоралар ишлаб чиқилиб, амалга изчиллик билан татбиқ этиб келинмоқда. Бу борада айниқса, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Айтиш керакки, амалдаги қонунчилигимизда транспорт воситаларидан фойдаланиш ва йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган. Айтайлик, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлкаларидан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмаслиги, транспорт воситасини бошқариш вақтида телефондан фойдаланиши, белгиланган ҳаракат тезлигини ошириши, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш сингари қилмишлар учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий жазо қўлланилиши назарда тутилган.

Айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги "Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида" қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 12.1-банди 3-қисмида ҳаракатланишда, ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишини таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги, 3.5-банди 4-қисмида эса, ҳайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қариялларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёт чораларини кўриши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Афсуски, ҳаётда ана шу қоидаларга амал қилмаслик оқибатида турли нохуш ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган айрим ҳайдовчиларнинг ҳам борлиги ачинарлидир. Бунга М.Муродов (исм-шарифлар ўзгартирилди)нинг қилмишини мисол тарқасида келтириш мумкин.

Судланувчи М. Муродов ўтган йилнинг 31 август куни тахминан соат ўн етти-ю ўттизларда "Нексия" русумли автомашинани Мирзаобод туман ҳудудидан ўтган "М-34" йўлининг "Гулистон-Янгиер" йўналиши бўйича бошқариб кетаётиб, Йўл ҳаракати қоидаларининг юқорида қайд этилган талабларига риоя қилмайди. Аниқроқ айтганда, у катта тезликда бораётган автомашинани тўлиқ тўхтатиш чораларини кўрмай, йўлнинг чап томонидан ўнг томонига кесиб ўтаётган велосипед ҳайдовчиси А.Суяровни уриб юборади. Оқибатда А.Суяров оғир тан жароҳати олиб, Янгиер шаҳар марказий шифохонасининг жонлантириш бўлимига ётқизилган. Афсуски, тиббиёт ходимларининг тезкор саъй-ҳаракатларига қарамай А.Суяров оғир тан жароҳати олгани боис шифохонада ҳаётдан кўз юмади.

Буёғини сўрасангиз, М.Муродов илгари ҳам Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан судланган ва у юқорида баён этилган қилмишни содир этган пайтда суд томонидан тайинланган шартли синов муддатини ўтаётган эди.

Албатта, бу ҳолатни суд инобатга олди ва судланувчи М.Муродовни Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топиб, икки йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда тегишли муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Кези келганда шуни қайд этиш жоизки, судлар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноят ишларини кўришда жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари, бундай қилмишларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар тўлиқ аниқланмоқда. Ўз навбатида, бу ҳақда хусусий ажрим чиқарилиб, улар тегишли давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахсларга юборилмоқда. Шу йўсинда улардан жиноят содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш талаб қилинмоқда.

Юқорида баён этилган воқеадан ҳам кўринадики, йўл ҳаракати қоидаларига беписандлик билан қараш, автомашинани ҳушёрлик ва масъулиятни унутганча бошқариш охир-оқибат шундай кўнгилсиз ҳодиса билан якун топади. Шундай экан, йўлларда хоҳ ҳайдовчи, хоҳ йўловчи сифатида ҳаракатланганда, аввало, амалдаги қоидаларга қатъий риоя этиш, масъулият ва ҳушёрликни унутмаслик ҳар бир ҳайдовчи ва йўловчининг хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим кафолати эканлигини асло унутмаслигимиз лозим.

Отабек НАБИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Оқолтин тумани судининг раиси

Куч—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Кўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-922. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8138.
1 2 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21⁰⁰